

Кейинги йилларда кўп сонли диний адабиёт намуналари ўзбек тилига ўгирила бошланди. Хусусан, “Хужжат ул-ислом” Абу Хомид Газзолийнинг “Ихё-у улумиддин” асарининг арабчадан махорат билан қилинаётган таржималарини тилга олиш мумкин.

Турк тилидан амалга оширилган кўплаб диний-фалсафий, тасаввуфий асарларнинг таржималари сирасига диний характерга эга бадий адабиёт намуналари ҳам қўшилмоқда.

Такдим этилаётган асарлар орасида туркиялик таникли ёзувчи ва олим Ахмад Лутфий Козончи асарлари салмокли ўрин тутади.

Ушбу маколада, мазкур муаллифнинг соф диний-тарихий замирга эга “Саодат асри киссалари”, “Абу Бакр Сиддик” ва “Хазрати Умар” романларининг ўзбекча таржимаси хусусида сўз юритмоқчимиз. Негаки, кейинги даврда ўзбек ўқувчилари томонидан энг кўп сўралаётган китоблар орасида бу уч асар пешкадамлардандир.

Афсуски, таъкидланган асарлар мутолааси давомида китобхон ўзбек тилининг жозибаси тўла акс этган асарни ўқиш бахтига мушарраф бўлади, дейиш қийин. Мисол учун, “Абу Бакр Сиддик (Расулulloхнинг гордаги биродари)” “Мувароуннахр”, 2005) китобини олайлик (Таржи- мон — Сарвар Жахонгиров).

Абу Бакр (р.а.)дек кишига багишланган тарихий асарни таржима қилиб, халкка, ўқувчилар оммасига етказиб берилганлиги тахсинга сазовор. Лекин...

Авалло, китобнинг тўла нашри чамаси хали-хануз тугатилмайди, шекилли. Негаки, китоб ноширлари биргина романни шу кунгача тўрт қисмга бўлиб босишди. Китоб 1-дан 4-га борган сари юпкариб бормоқда-ю, охири кўринмаяпти.

Таржима аслида нима учун қилинади?..

Халкни янги асар ва билим билан тезроқ бойитиш учунми ёки қандай бўлса-да, бозоргир китобни наридан бери таржима қилиб, пул ишлаш учунми?! Ахир бу китоб хазрати Мухаммад (с.а.в.)нинг энг яқин сафдоши ва тарихда садокатию, собит эътиқоди билан ном қолдирган улуг инсон хакида-ку!.. Нахотки, маънавий масъулият хис қилинмаса?! Асарнинг 1-китобини кўлига олган ўқувчи мукованинг ўзидаёқ имло хатосига дуч келади: “Расулulloх” ўрнига “росулulloх” ёзилган. Яхшики, кейинги китобларда бу хато тузатилди. Лекин яна бир адабсиз янглишлик давом этган. Яъни китоб муковасида ҳам, титул варагида ҳам асар муаллифининг номи берилмаган. Фақатгина ички саҳифа остида кичик харфлар билан “Ахмад Лутфий Козончи “Абу Бакр Сиддик” “Мувароуннахр”, 2005”, деб кўрсатилган.

Ха, ажабланманг, муаллиф ва китоб номидан кейин тиниш белгилари қўйилмай, имловий хатолар билан худди шу тарзда 2-, 3- ва 4-китобда ҳам берилган.

Хўш, нега асар муаллифининг номи юқорига чиқарилмайди. Бу унинг маънавий ва муаллифлик ҳаққи-ку!

Биз хазрати Абу Бакр (р.а.) хакида яратилган, гўзал бир тарихий асарни бадиий жихатдан мукамал таржимада ўқиш учун китобни сотиб олганмиз ва камоли кизиқиш билан ўқишга тутинамиз.

Бирок дастлабки саҳифалардаёқ гализ ифодаларга дуч келамиз. То китобнинг тўртинчисигача, аксарият ўринларда тумтарок жумлалар, эгаю кесими, тўлдирувчию аникловчисининг ўрни алмашиб кетган гапларни ўқиймиз. Жуда ҳам яхши кайфиятда олган китобингизни азбаройи маънавий аҳамияти учунгина авайлайсиз. Йўкса...

Мана, 1-китоб муқаддимасидаги дастлабки парчалар:
“Иймон соҳиби бўлиш барчамизнинг энг аввалги, ниятимиз ва мақсадимиздир. Бу мақсад бизни бевосита динни чуқурроқ ўрганишга, саҳобалар ҳаёти билан танишишга рўбару қилади...”

Бир қараганда, мазмун бор, гап ҳам аниқдек. Лекин диққат этилса, туркча қурилган жумла ўзбекча сўзлар иштирокида такрорланган, холос. Ўзбек китобхони учун ўзбекча таржимада берилса бўлмасмиди? Масалан, шундай: “Барчамизнинг асос ниятимиз ва бош мақсадимиз, албатта, имонли бўлишдир. Ушбу мақсад бизларни динимизни чуқурроқ ўрганишга ва саҳобаларнинг ҳаёт йўли билан танишиб боришга ундайди...”
Худди шу саҳифадаги яна бир жумла: “Пайгамбаримиз (с.а.в.)ни энг яхши таниган, бошқаларга насиб қилмаган кўпгина хотираларга эга бу қимматли инсондан ҳам, афсуски, жуда кам хотирага эгамиз...”

Хўш, бу гапдан бирор мазмун англай олдингизми?
Фикри ожизимизча, мутаржим: “Афсуски, хазрати пайгамбаримиз (с.а.в.)ни энг яхши билгувчи ва ул зот ҳақларида, ўзгаларга насиб қилмаган, кўплаб гўзал хотиралар соҳиби бўлмиш бу қадрли инсоннинг ўзи хакида жуда кам ёдномаларга эгамиз...” дея таржима қилмоқчи бўлган кўринади.

Таржима асносида нафакат тилни яхши билиш, балки ўзбек адабий тил меъёри, гап қурилиши ва, қолаверса, туркча сўзларнинг контекстдаги ўзбекча мувофиқ эквивалентларини топа билиш ҳам керак. Масалан, асарнинг 4-китоби 37-бетиди: “Бу гаплардан хазрат Сайфуллохнинг кўзлари яшнаб кетди...” дейилади. Ўзбекчада кўз яшнамайди, юз яшнайди, кўз чакнайди.

Яна бир муҳим жихат, таржима учун танланган сўзлардан матн мазмун-моҳиятига мос сўз синонимини ишлатиш лозим бўлади. Мисол учун, ушбу асарнинг 2-китоби 8-саҳифасида шундай қисқа суҳбат келтирилган:

“— Ассалому алайкум, эй, Абу Бакр!..
— Ваалайкум ассалом, Расулуллох (сав)нинг севиқлилари
— Биз сенинг хузурингга ёрдам бериш ниятида келдик...”

“Расулуллохнинг севиқлилари” турк тили учун уйғун, ўзбекчада эса бироз ўнгайсиз жаранглайди. Агар “севиқли” ўрнига “махбуб” қўлланилса, мақбулроқ бўларди. Турк тилида хатто ота-онага ҳам “сен” дея мурожаат этилади. Аммо халқимиз учун бу

одобсизлик саналади ва таржималарда ҳам бу анъанага амал қилинса, хусусан, Расулulloх ва Абу Бакрдек улуг инсонларга, албатта, “сиз” дея мурожаат қилинса, яхшироқ бўларди.

Яна бир муҳим масала шуки, баъзи истилоҳ, жой ва киши номларини қандай бўлса, шундайича ўгиравермаслик керак. Масалан, мазкур асар таржимасининг тўртала китобида ҳам “Бизанс”, “Амави хонадони”, “валий”, “Румлар”, “жузъя”, “Корин бин Кирёнус” каби калималарга дуч келинади. Албатта, оддий ўзбек китобхони учун бу сўзлар нотаниш. “Бизанс” — турклар қадимги Византияни шундай аташади, “Умавийлар”ни эса “амави” дейишади, “валий” сўзи эса “дўст” маъносида бўлиб, асар матнида “волий” — “бошқарувчи” мазмунида келмоқдадир, “Румлар” эмас “румликлар”, “жузъя” эмас, “жизъя”, “Корин бин Кирёнус” эмас, “Корун ибн Кирёнус” тарзида берилиши керак.

Шу ўринда бир тил қоидасини эслатиш жоиз. Турк тилининг усмонлитурк хатто, ундан ҳам олдинги даврларда қолган бир хусусиятини тилшунослар алоҳида таъкидлашади. У ҳам бўлса, “туркчадаги калима олди-бердисида истеъмолга қираётган ажнабий сўзларни худди ўзидек қабул этилмаган ва уларни турк тили фонетикасига уйғунлаштирилган. Хатто олинаётган калималар сас жихатидангина ўзгаришга учраб қолмай, балки кўп ҳолларда маъно ва қўлланиш доирасида ҳам ўзгариш рўй берган...” (Проф.Др. Мухаррем Эргин. Турк дили. Истанбул, 1992, 162).

Ўзбек тилида эса бу ҳолатга кўп ҳам дуч келинмайди. Бизда кўпроқ сўзнинг аслига таяниш қучли. Назаримизда, таржимонлар ана шу жихатга эътибор бермаганлар.

Яна бир қизик ҳолат шуки, ушбу китобларнинг дастлабки учтасида “Муқаддима”лар берилган. Аслида ҳам ёзувчи бир асарга уч муқаддима ёзганми, деган савол пайдо бўлади.

Асарда ёритилаётган воқеаларга эътиборсизлик ёки нима таржима қилинаётганини фахрламаслик ҳолати ҳам кузатилади. Мана, қаранг: “Жумладан келтиришимиз мумкин, ҳазрат Абу Бакр (р.а.) Мадинага келиб, саҳобалар билан учрашди. Бу гал Румлар билан рўбару келиш вақти келган эди. Улар ҳам худди шу фикрда эканликларини айтишди. Шундай қилиб, Мутенинг интиқоми олинди...” (3-китоб, 3-4-бетлар).

Айтиш керакки, зотан Абу Бакр Мадинада эдилар ва у киши саҳобалар билан учрашиш учун Маккага борганлар. Шунинг учун ушбу жумла тахминан қуйидагича берилиши керак эди: “Жумладан, ҳазрати Абу Бакр (р.а.)ни Маккага бориб, саҳобалар ила учрашиш асносида, румликлар билан тўқнашиш вақти келганлиги хақида қилган муҳокамалари эди. Саҳобалар ҳам худди шу фикрда эканликларини айтишди ва шу тариқа, Мутаънинг интиқоми ҳам олинди...”

Фикримизча, бу қадар қариб таржиманинг асосий сабаби — шошма-шошарлик. Асар оригинали ва таржимасини мутахассис назаридан ўтказиб олишда асло лоқайдлик ва бесабрлик қилмаслик керак.

“Ҳазрати Умар” асарининг таржимаси (“Мовароуннахр”, 2005) эса юқорида таъкидланган нуқсонлардан анчагина холи. Ёш таржимон Шоакмал Шоакбар ўгли ва муҳаррир

Абдугафур Искандарнинг астойдил меҳнат қилганликлари сезилиб турибди. Асар нашри юкоридагидан фаркли равишда муаллифи кўрсатилган холда, чиройли дизайн билан икки китоб холида ўқувчиларга такдим этилгани ҳам кишини мамнун қилади.

“Ҳазрати Умар” китоби анча равон ўқилади, таржима асносида муносиб сўз танлашга диққат қилинган. Жумлалар баёни содда ва тушунарли. Аммо баъзи ўринларда гап қурилиши ва мазмун ифодалашда гализлик учрайди. Мисол учун, 2-китоб 95-саҳифадаги: “Каскар серунум ерли, одамлар бой юрт эди” жумласини “Каскар ерлари серунум, одамлари бой юрт эди” ёки кўп такрорланган “амир ул-мўъминин” ибораси “амир ал-мўъминин” тарзида берилса, мувофик бўларди. Ёхуд 1-китоб 16-бетдаги “бойкот” сўзи ўрнига “эътироз”, “рад қилиш” мазмунидаги бошқа бирор ўзбекчага уйғунрок сўз ишлатилса, китобхон яхширок тушунарди.

Эътиборсизликлар туфайли рўй берган баъзи жиддий камчиликлар ушбу китобнинг ҳам хуснини бузиб турибди. Масалан, 2-китобнинг 89-саҳифасида ўқиймиз: “Чунки Аллоҳ таоло “Моида, 93” деган. Мен эса Аллоҳдан такво қиламан...”

Тўғри, зукко китобхон Куръони қаримдаги “Моида” сурасининг 93-оятини ўқиб олиши кераклигини англайди. Бирок ҳамма бадиий асарда ҳам керакли адабиётларга ишоралар қилинаверса... унда бадиийлик моҳияти қайда қолади?!

“Мен эса Аллоҳдан такво қиламан...” жумласи эса шарҳга муҳтож. Ушбуни “Мен Аллоҳдан кўрқиб такво қиламан” дейилса, мазмунга уйғун бўларди. Чунки ишора қилинган оятда ҳам “Аллоҳдан кўрқиб, чиройли амаллар қилиш” хакида сўз боради.

Яна бир нуқсон: нашрнинг 126-141 саҳифалар оралигидаги асар матни мазкур китобнинг аввалги, аниқроғи, 36-51-бетларининг айнан ўзидир.

Ушбу нуқсонларни техник камчилик ҳам дейлик, лекин минглаб ўқувчиларга такдим этилаётган нашрлар учун бу каби камчиликлар лойик эмас!..

Маълумки, таржимачилигимиз кўп йиллик тажрибага эга ва унинг ўзига хос анъаналари ҳам маълум қадар шаклланган. Биргина мисол, Раҳод Нури Гунтекиннинг машҳур “Чолиқуши” романининг Мирзақалон Исмоилий томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимаси таржимон маҳорати туфайли хануз китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинади.

Юкорида номлари тилга олинган асарларда эса таржимон маҳорати ва тажрибаси сезилмайди, ҳатто ўзбек тилининг адабий меъёрларидан беҳабарлик кўзга ташланади. Таржима қилиш учун фақат тилни билиш камлик қилади ва ҳар бир тил билувчи бадиий таржимонлик ҳуқуқига эга эмас. Бунинг учун ёзувчилик истеъдоди ва билим ҳам талаб қилинади. “Саодат асри қиссалари” ана шу талаб асосида таржима қилинганига гувоҳ бўласиз. Балки шунинг учундир, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон томонидан таржима қилинган “Саодат асри қиссалари” асарида юкорида таъкидланган кўп камчиликларни учратмайсиз. Китоб муаллифи ҳам ҳурмат билан кўрсатилган, дизайн ва таҳрир масалалари ҳам ўринли, чиройли ҳал этилган.

“Саодат асри киссалари” асарининг аввалги икки китоби таржимасининг машаккатли ва муваффақиятли тахрири мухаррирга энди учинчи китобнинг таржимони сифатида ўртага чиқишга даъват қилгандек. Мазкур асарнинг учинчи китоби (“Шарк”, 2004) ҳам равон ўқилади, китобхоннинг воқеалар ривожини сари кизикиши орта боради. Расулulloх (с. а. в.) ҳаётларига оид турфа хил тарихий воқеаларнинг гўзал тасвири ўқувчини ўша давр муҳити ва руҳиятига олиб қира олган.

Кўплаб китоб ихлосмандларининг хатто кўчаларда ушбу асарни берилиб ўқиётганликларининг гувоҳи бўлдик. Кўпчилик тўла қониқиш, хатто кўз ёш билан ўқиганликларини гапириб беришди. Бунга сабаб ҳолатлар асарнинг маънавий руҳи билан бирга таржиманинг маҳорат ила амалга оширилганлигида ҳамдир.

Шундай бўлса-да, ушбу асар таржимасининг ҳам баъзи ўринларида туркча матнга қучли тақлид сезилиб қолган. Мисол учун, 3-китобнинг 8-саҳифасидаги жумла: “Бу дафъа қирмизига тортиб кетадиган қора юзли хотин ўрнидан турди...”

Бизнингча, ушбу гапни ўзбекча қилиб: “Бу дафъа қизғишқоб бўлиб кетган қорамағиз аёл ўрнидан турди” дейилса, уйғун тушарди.

Ёки 9-бетда берилган: “Эҳтимолки, бу тошмалар ичини тўлдирган азобларнинг учлари эди” жумласи ҳам гализ, ҳам тушунарсиз. Бунинг ўрнига: “Эҳтимол, бу тошмалар тўлиб-тошиб қелаётган азоблардан нишона эди” дейилса, мазмун аниқроқ чиқарди.

Таржимадаги бу қаби нуқсонлардан яна бири туркча муқожаат услубини сақлашга интилишдир.

«— Сизни нима инжитди, ё Набияллох?» — деб сўрашди» (3-китоб, 13-бет).

Ахир шу саволни ўзбекчада содда, равон ва гўзал қилиб: “Нима сизни ранжитди” ёки “Ё Набияллох, сизни нима ранжитди?” дейиш мумкин эмасми?..

Аммо шуни қамоли қониқиш билан айтиш қаракки, “Саодат асри киссалари” Ахмад Лутфий Қозончи асарлари ичида, айрим қамчиликларига қарамай, ўзбекчага энг муваффақиятли амалга оширилган таржимадир. Ушбу нашр Ахмад Лутфий қаби бошқа турк адабларининг асарларини таржима қилаётган муқаржимлар учун ўрнак бўла олади. Қамонавий турк тилидан ўғирилган яна бошқа асарлар, хусусан, “Қайнона”, “Ўғай она”, “Жинлар орасида қолган қиз”, “Алданган Айселнинг тавбаси”, “Виждон азоби”, “Қуллар сувсаганда” қаби китобларнинг паст савияда таржима қилинганлиги эса алоҳида мақола мавзусидир.

Мақоладан кўзланган мақсад номлари тилга олинган асарлар таржимасини зинҳор-базинҳор қамситиш эмас. Асосий нијатимиз — китобхоннинг юқсақ талабини қондирадиган ва, энг муҳими, дидни ўлдирмайдиган асарларни кўпроқ кўриш ва ўқиш истағидир.

Отабек ЖЎРАБОЕВ,
филология фанлари номзоди

